



Р2

Е-73

Сергей Есенин



ЗАМИН ДАРГАСИ

22034

ШЕЪРЛАР ВА

ДОСТОИНЛАР

Библиотека № 5

Ленинского района

P2
E73

Сергей Есенинниң шеър ва достонларини ўзбек китобхонлари аллақачон ўз она тилларидаги ўқишига муссар бўлганлар. 1965 йилда шоирнинг «Танланган шеърлар» и Эркин Воҳидов таржимасида нашр этилган эди. Қўлинигиздаги китобда ўзбек тилида илк бор жаранглаётган шеърлар анчагина. «Замин дарғаси», «Синглимга хат», «Ҳаёт Йўлим», «Хотира», «Ўттиз олтилар достони» сингари асарлар шулар жумласига киради.

N1 24479
Эркин Воҳидов
таржимаси
1974

Есенин Сергей.


Замин дарғаси. Шеърлар ва достонлар. Э. Воҳидов тарж. Т., Рафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1971

184 бет. Тираж 35000

Есенин С. Капитан земли.

Индекс 7—4—2

P2





ШЕРЛАР



* * *

Синглим Шураса

Бу дүнёда мен бир йўловчи,
Шодон менга қўл силки, эркам.
Худди шундай тинч, эркаловчи
Зиё тўкар куз фасли ой ҳам.

Исинурман ойнинг тафтига.
Илк бор ундан ором олар жон.
Аллақачон сўнган севгига
Үмид боғлаб яшайман ҳамон.

Бунга боис — шу маконимиз,
Шу ер — оппоқ, шўр манглай турбат,
Қайлардадир топталган номус,
Кимлардадир қадрдон ғурбат,

Яширмайман, ҳар ким ҳам билэр:
Бошқа-бошқа әмас, жон синглим,
Иккимиз ҳам бир севги билан
Шу ватанга құйғанмыз құңғил.

ОНА ИБОДАТИ

Қишлоқнинг бир четида
Пастаккина уй турар,
Сажда қилиб шу уйда
Онаизор ўлтирас.

Елғиз ўғлиниң эслар у
Ениб аччиқ фироқда.
Үғли эса юрт учун
Жаңг қиласди йироқда

Она сажда қиласди,
Күз ёшлари шашқатор.
Бир нуқтага тикилган,
Хаёлида нелар бор?

Құз олдига келади:
Кенг дала — жаңг майдони.
Жонсиз ётар майдонда
Мард ўғли — паҳлавони.

Күкрагида жароҳат,
Қоп-қора қон ҳар ёғи.
Қолмиш жонсиз қўлида
Цушманининг байроби.

Сна юзин қоплар гам,
Чимирганча қошини
Аста суяр құлига
Оппоқ сочля бошини.

Юрак дарди ёш бўлиб,
Тўлиб келар кўзига.
Маржон-маржон томчилар
Оқиб тушар юзига.

ИТ ҲАҚИДА ДОСТОН

Қуёш ўйнар жавдар хирмонда
Чипталарда нури тилла ранг.
Болалади она ит тонгда,
Етти кучук туғди малла ранг.

Ювиб-тараб тиллари билан
Оқшомгача әркалади у.
Она итнинг иссиқ бағридан
Қор устида әриб оқди сув.

Оқшом пайти, товуқлар энди
Қўногига тизилишган дам,
Үй әгаси хўмрайиб келди,
Қопга солди еттовини ҳам.

Шўрлик она чонди кетидан,
Ўзоқ-узоқ қувлаб борди у.
Муздек терлар оқиб этидан,
Аччиқ-аччиқ увлаб борди у.

Ботқоқлардан кечиб ўтди лой,
Оёқлари толди, уринди.
Қайтар экан том устида ой
Боласнга ўхшаб кўринди.

Шұрлік яна боласин сұраб
Күкка боқиб увлади хаста.
Янғы ой ҳам аста ғилдираб
Тушиб кетди уфқдан пастга.

Бечөрага әрмаклаб, кулиб,
Нон ўрнига отишгандек тош,
Ит күзидан юлдузлар бұлыб
Корга оқди томчи-томчи ёш,

КАЧАЛОВНИНГ ИТИГА

Кел, Джим, узат панжангни менга,
Момиқ қўлчанг бунчалар майин.
Мен ҳам бу кеч қўшилиб сенга
Ойга боқиб нола қилайин,
Кел, Джим, узат панжангни менга.

Фақат, дўстим, кўп эркаланма,
Холатимни тушунгинг, ахир.
Сен билмайсан яшамоқ нима,
Бу ҳаётнинг маъноси надир.

Хўжайининг машҳур ва ҳотам,
Кўп йўқлашар дўсту ёронлар.
Улуғ мезбон кўнгли учун ҳам
Сийлашади сени меҳмонлар.

Ит ҳолингга ғоят сулувсан,
Одамдан ҳеч кетмайсан нари.
Сўрмай-нетмай ўпмоқ бўлурсан
Кайфи ошган дўстлар сингари.

Меҳмонларинг кўп жуда, сонсиз,
Бир-бирига ўхшамас албат,

Мабодо бир ўйчан, маъюс қиз
Шу томонга ўтмадими, айт?

У албатта келади бир кун,
Остонангдан ўтганда дилдор,
Менинг бор-йўқ гуноҳим учув
Қўлларин ўп, йиғла-ю ёлвор.

* * *

Тонгда мени уйғот әртароқ,
Мәхрибоним, мушфиқ онажон.
Мен йұлларга күз тутай муштоқ,
Бизнинг уйға келмоқда меҳмон.

Ұрмөн ичра буқун, онажон,
Фидиракининг изларин күрдим.
Еллар уни айлаб зар камон,
Тортқылаган кезларин күрдим.

Әрта тонгда меҳмон келади
Ой дүпписин бошга қўйиб дол,
Учқур оти равон слади,
Кокиллари товланади ол.

Мени саҳар уйғот, онажон,
Чироқларни ёқиб қўй ҳозир,
Дейдиларки, бўлмоғим аён
Россияда шуҳратли шоир.

Шеър айтаман меҳмонга ул дам,
Сенга, онам, ўсган еримга.
Саҳар туриб соққан сутинг ҳам
Қуйилади менинг шеъримга.

* * *

Гұдаклиқдан маълум ҳар одам,
Бола бошдан деган гап түғри.
Мабодо мен шоир бўлмасам,
Бўлар эдим безори, ўғри.

Жиккаккина шум бола эдим,
Тенгдошларим ичра «қаҳрамон»,
Қайтар эдим кўчадан доим
Бурним пачоқ, усти бошим қон.


Қўрқиб кетган онам қошида
Дердим тутиб ўзимни маҳкам:
«Ҳечқиси йўқ. Қоқилдим тешга.
Эртагача қолмас ўрни ҳам».

Ииллар ўтди, кетди болалик,
Ниҳоя йўқ армонларимга.
Ешлиқдаги шўхлик, оловлик
Кўчди шеъру достонларимга.

Болалигим кетди борини —
Сатрларда қолдириб бутун.
Шеърларимда шум безорининг
Хислатлари акс этар бу кун.

Мағрурлигим ҳамон қолмаган,
Ҳамон баланд ўтли күкрагим.
Болаликда бурним қонаған,
Бугун эса қондир юрагим.

Мендан кулган тұда қошида
Дейман тутиб үзимни мақам:
«Хечқиси йүқ! Қоқылдым тошга,
Эртагача қолмас үрни ҳам».



Библиотека № 5
2034
Ленинского района

* * *

Лабларингни бурма, мендан қилема таманно,
Үзгададур менинг күнглим, сендамас асло.

Атай сенинг деразангга эгилганим йүқ,
Сени излаб келганим йүқ, тикилганим йүқ.

Зор эмасман сенга, фақат бу оқшом бехос —
Үта туриб боққим келди дарчангдан холос.

* * *

Энди қайтмам уйимга,
Мен элкезар девона.
Күз тикибдир йўлимга
Кўм-кўк ўтлоқ ягона.

Унда мени соғинган
Фақатгина қичитқон,
Боши қўйи солинган
Чучмумай нафармош.

Ой тепамда, юксакдир,
Шапка отсан етмайди.
Қўшиқ асли юракдир,
Туғилади — йигмайди.

Үйга умр сўнггида
Биз қайтамиз тўрфаҳол.
Вужуд титроқ қўйнида,
Ярим мурда, ярим шол.

Сенинг учун эй одам,
Кўхна мақол айтади.
«Улар чоги итлар ҳам
Ўз уйига қайтади».

Мен қайтаман уйимга,
Уткинчи бир девона..
• • • • •

Кечалар күл бүйида
Ииғлар ўтлоқ ягона.

* * *

Кел, мени ўп, ўпа қол
Қонагунча то лабим.
Фақат шодлик ва висол
Бу ҳәтдан талабим.

Тұнкарилған қадақлар
Бизга әмас базм аро.
Бу дунёда яшарлар
Фақат бир бор, дилрабой!

Шом пардаси күк ҳарир,
Фалакка бир қыл ғигоҳ.
Сариқ құзғұн мисоли
Чарх уради күкда моҳ.

Үшін мени, ўп төзроқ,
Сұнаётір ҳәттим.
Үша күкда учғам зор
Сезді менинг мамотим.

Ұлым асли ұақ экан,
Майли әнди үлайин,
Лек күз юмиш олдидан
Лабларинга тұяйиц.

То мангулик уйқуда
Янграб турсин ұар нафас
Майин, тиниқ, осуда —
«Сеникиман» деган сас.

Доим тұла қадағлар
Сочиб турсинлар зиё...
Бу дунёда яшарлар
Фақат бир бор, дилрабо.

СИНГЛИМГА ХАТ

Бизнинг Александр
Дельвиг ҳақида
Шеър ёзган, мадҳ этиб калла суюгин.
Қандай ширин,
Қандай олис ақида,
Худди гулбог янглиғ күнгилга яқин.

Салом, сенга синглим,
Салом, ассалом,
Қадрдан далалар саломат борми?
Айт, қалай парвариш қилмоқда бобом
Рязандаги бизнинг олучазорни?

Үша олучазор,
Борми ёднингда?
Отам шўрлик тинмай қиласарди меҳнат.
Бир парча еридан
Ҳосил олгунча
Омоч суриб қанча чекарди заҳмат.

Унга мақсад эди
Картошка олиш,
Биз боғ бўлса дердик,
Боғни кесишиди.

Дилим ўртанганин
Айтсан ҳўл болиш,
Боғни кесишиди-ю
Бағрим эзишиди.
Едимдадир байрам,

Ул айёми май,
Сабзалар безанган,
Гуллаган сирень.
Оппоқ қайинзорни
Қучоқлаб тинмай
Шўх хандон майдан ҳам
Мастроқ эдим мен.

Оҳ, у оқ қайинлар,
Оппоқ қайинлар...
Қизлардек сарвииоз, сулув, хушқомат.
Севмаслиги мумкин уларни фақат —
Қувноқ навниҳолда кўрмаган самар.

Синглим!
Нақадар кам ҳаётда чин дўст,
Кўплардек менинг ҳам
Юрагимда доғ.
Агар нозик қалбинг
Толиққан бўлса,
Бунинг соз давоси —
Тинмоқ, унутмоқ.

• • • • •

Сенга ачинамаң,
Елғиз қоларсан..
Мен эсам тайёрман
Дуэлга ҳатто.
«Бахтлидир жомини ичіб бұлмаган»¹
Ва тинглаб бұлмаган наидан ҳам наво.

Ва лекин богимиз...
Ұша боғ аро
Эрка болаларинг үйнар күкламда.
Улар үйлаб қўйса қани бир бор, о,
Далли девоналар
Ўтган оламда.

¹ Пушкин сатри.

* * *

Тонг отади беозор ва жим,
Туман ичра бўзарар осмон.
Букун яна сени эсладим,
Меҳрибоним, мунис онажон.

Лаввалгидек яна ҳойнаҳоӣ
Тепаликка чиқарсан ҳар тун.
Сув устида қалқиб турган ой —
Тасвирига боқарсан маҳзун.

Қарағсану ўйга чўмарсан,
Үртагувчи лард кўксинг аро.
Хаёлингда ўғлинг bemаскан,
Ватанини ўйламас асло.

Қабристонга борасан аста,
Тошга боқиб кўрасан кимни?
Хўрсинасан майин ва хаста,
Ўйлаб ака-сингилларимни.

Гарчи ўсдик безори, чапан,
Қизлар эса май гулисимон.
Лекин хира кўзларинг билан
Буяча ғамгин боқма, онажон.

Етар күлфат, етар ғам, алам,
Тушун ҳаёт алдоқларини.
Маъюс қолур ҳатто дараҳт ҳам
Нұқотганды япроқларини.

Ноёблик бор қувончда, баҳтда,
Висолдан күп ҳаётда фироқ.
Чириғандан кўра дараҳтда
Шамолларда ёнган яхшироқ.

* * *

Шоир, түн қўйнидан нима изладинг,
Чиқдингми ойга шеър битмоқ ўйидай
Кўпдан хира тортмиш менинг кўзларим
Муҳаббат, карта-ю шароб кўйида.

Кўк узра сузади сокин оймома,
Шунчалар ойдинки, тинади нигоҳ.
Мен топпон хотинга тиккандим, аммо
Шўримга туз қарға чиқибди, э вод.

ХАЁТ ЙҰЛІМ

Кемадек соҳилга
Келмоқда умрим,
Яна хотиралар
Чулғар ўйимни.
Кел энди,
Оҳиста сүзлаб бер,
Шеърим,
Босиб ўтган ҳаёт йұлімни.

Тор кулба.
Ачимсің қорамой исі,
Күхна саждагоҳу
Липиллаган шам...
Қандай соз,
Уша илк болалик ҳисси
Юрагимда яшар то шу дам.

Дераза остида
Аланга — қуюм.
Түққиздаман.
Курсы, кампир, оқ бароқ...
Кампир ғамгин күйлар
Далалар күйин

Ва өснәр, э вөх деб
Чүқинар узоқ.

Раңс этарди қуюн
Қанотини кериб,
Мисли жинлар базми —
Қизир гиждү банг.
Шунда империя
Қурбонлар беріб
Япон билан қылар эди жанг.

Шунда Россияннинг
Қора ишларин —
Билмасдим.
Билмасдим — недир жанг, ғаним..
Рязань деҳқонлари
Дон әккан замин,
Құнғир тупроқ эди
Менинг ватаним.

Мен фақат деҳқонлар
Сўзин эслайман.
Сўкиларди шоҳу
Шайтон баробар.
Аммо, ажаб йўқки,
Бунга жавобан
Жимгина кўларди
Лиму ранг саҳар.

Ұшанда мен илк бор
Түздим қофия
Хислар қуюнида
Айланди бошим.
Бир кириб қолдимми
Шеър гирдобига —
Бор дедиму унга
Бор күнглим очдим.

Олис у йилларни
Эслайман аранг,
Бобом, ачитмагин,
Дерди, мияни.
Бекорчи ишни қўй,
Борди-ю ёзсанг,
Мана, сулини ёз,
Еки бияни.

Мени асир этган
Соҳир шеърият.
Хаёл осмонидан
Тушмай заминга,
Ўйлардим, бўлурман —
Машҳур, Ҷадавлат,
Рязанда зўр ҳайкал
Қўйишар менга.

Үн беш ёшда бир қиз
Жигардан урди,
Хаёл дарёсида
Сузардим мафтун.
Дер әдим, у гүзал,
Хурларнинг ҳури.
Менга хотин бўлар
Вақт келиб бир кун.

Ииллар ўтди.
Ииллар юзга из солар,
Ўзгача кўрк берар,
Ўзгача зиё.
Уша хаёлпараст
Қишлоқи бола
Бутун пойтахтда —
Шоири якто!

Шоирлик дардига
Дучор бўлдиму
Юрт кезиб кўнгилга
Изладим таскин.
На висол шавқ берди,
На ҳижрон, қайғу,
Ҳаёт алдоқлари
Қуритди ашким.

Русь асли нимадир,
Англадим шунда,
Англадим, нимадир
Шаън ила шавкат.
Ҳорғин юрагимга.
Кунда ва кунда
Оғу бўлиб томди
Битта уқубат.

Менинг шоирлигим
Бир пул ўзимга.
Менсиз ҳам шеърбознинг
Уруги сероб.
Ўлсам ҳайкал қўйманг
Рязанда менга,
Хаста бу руҳимга
Солманг изтироб.

Россия... Подшолик...
Қандай bemaza!
Пасткаш киборларнинг
«Қамтар» виқори!
Қабул эт, Москва,
Мана бўлмаса,
Сенга яна битта
Дардкаши безори!

Кұрамиз!

Ким бўлур бу жангда ғолиб,
Янгради қишлоқнинг
Шаън мадҳияси.
Нозик салонларни
Ларзага солиб
Шеърим билан кирди
Рязань бияси.

Еқмайдими?

Майли.
Сиз-ку Лориган,
Ва гулларга меҳр —
қўйгансиз фақат
Биласизми, ахир,
Ўша сиз еган —
Оқ нон ахир гўнгдан
Битган зироат...

Яна йиллар ўтди
Ўзга из солиб,
Таърифига ожиз
Шоирнинг гапи.
Юртда подшоликнинг —
Ўрнини олди
Ишчилар синфининг
Улуғвор сафи.

Ұзға юртлар аро
Кезмоқдан ҳориб,
Яна қишлоғимга
Қайтдим, нетайин.
Яшил соchlарини
Офтобга ёйиб ,
Менга пешвоз чиқди
Бир туп оқ қайин.

Нақадар ажойиб,
Нақадар сулув.
Бундоқ сийна бўлмас
Жононларда ҳам.
Ана, аравага
Ортишиб сули
Менга томон келар
Бир неча одам.

Улар мени билмас,
Мен бир йўловчи,
Ана, кампир ўтди
Боқмай юзимга.
Бутун вужудимга
Оташ қаловчи
Аллақандай бир қуч —
Үрди кўксимга

Наҳотки у ўша!
Танимас наҳот!
Майли, ўтаверсии,
Билмасин, майли.
Бошдан ошиб ётар
Менсиз ҳам кулфат,
Күзлар чуқур ботмиш
Ҳасрат туфайли.

Оқшомлар кепкамни
Бостириб қошга,
(Совуқ нигоҳимни
Кўрмасин деб эл)
Оҳиста бораман
Булоқ бошига,
Бўм-бўш далаларда
Сокин эсар ел.

Ешлик ўтди. Энди —
Меҳнатга, демак,
Аммо демасманки,
У йиллар қайтсин.
Истагим, бу далли —
Девона юрак
Энди созу етук
Қўшиқлар айтсин.

Қувват бағишласин
Яна күнглимга
Яңгича қишлоқнинг
Меҳригиёси.
Шуҳрат келтиргандай
Бир замон менга
Хов ўша қадрдон
Руснинг бияси.

ЛЕНИН

(«Эркинлик» достонидан парча)

Ҳали қонун симобдай эрик,
Юрт бўронда қалқиб турган чоғ.
Ногоҳ бизни ром айлаган эрк
Қирғозидан тошиди-ку мутлоқ.

Россия! Оҳ, мунисим ўлка!
Кўксим эзли бир дард зарбаси.
Далалардан қочди итлар ҳам,
Чиқмай қолди хўрозлар саси.

Неча йилки, ҳаётимииздан
Кетди тинчлик, кетди ҳаловат,
Яйловларда туёқ изидан
Қораҷечак янглиғ жароҳат.

Ғилдираклар сурони аро
Эшитилар аянчли оҳлар.
Наҳотки бу туш бўлса, гўё —
Найза отиб, тортиб камон — ё,
Қуршамоқда бизни қипчоқлар.

Бу на рўё, йўқ, бу на бир ҳоб,
Қўзларимда аён бу лашкар.

Бедовларни ўйнатиб шитоб,
Саф кетидан ўтмоқда сафлар.
Қаён борур?
Қайдадир жантгоҳ?
Саҳро ётар bemажол сұзсиз...
Билмадим, бу күкда сузган моҳ,
Е аргумоқ тақасидан из?

* * * * *

Россия!
Эй долғали сурон,
Эй сийнаси оппоқ қайинзор!
Қайдин чиқди сенга ногаҳон
Ларза солған ўша исъёнкор?
Жасур даҳо!
Ва лекин мени
Зўр билаги қилмади асир
У ҳеч қачон аргумоқ миниб
Үйнатмаган майлонда шамшир.
На қиронда ёвни қийратган,
На бир жаңгда забт этган диёр.
Фақат... овда бедана отган,
Үзга жонга бермаган озор.
Одатда эл қаҳрамон билар
Кимки бўлса совут-қалқонда.
У бўлса-чи болалар билан
Чана учиб ўйнаган қорда.
Жингалак соч йўқ эди унда,

Жонопларга солгувчи титроқ.
Сочсиз боши ялтираб кунда
Күрсатарди яна камтарроқ.
Оддий одам, күзіда кулгу,
Фариштадай күринар менга.
Хайронманки, қандай қилиб у
Ларза солди бутун заминга,
Ларза солди!
Наъра торт, бўрон,
Сурон қўзға ва кўтар ғулу.
Бахтсиз әлнинг мажруҳ кўксидан
Черковларнинг губорини юв.

Монархия! Бадбўй бир ботқоқ!
Бойлар шират базмига ботди.
Ҳукуматни тўралар мутлоқ
Заводчига, судхўрга сотди.
Инграп эди бечораҳол халқ
Нажоткорга кўз тикиб илҳақ.
Ҳа, у келди.
Унинг ҳақ сўзи
Янги йўлга бошлади бизни.
Деди: «Битсен азобу кулфат,
Ишчиларга — бутун ҳукумат.
Қилмоқ учун зулмни барбод.
Советлардан йўқ ўзга нажот:»

Кўрқмай ҳеч бир бўрон, довулдан

Биз юрдик у бошлаган йўллан.
Юрдик, Ернинг барча халқлари —
Эрк топгучи бир манзил сари.

· · · · · · · · · · · · · · ·

У йўқ энди..

Бўғизда ингроқ·
Шоирларнинг торида алам.
Мис томоқли улкан қўнгириқ
Видо айтди сўнгги бор бу чоқ
Нажоткорни қучди-ку адам.
У йўқ!

Аммо тириклар буқун
Меҳнат қилас жадал ва бетин.
Улар юртнинг пойдеворига
Дил қўридан қўярлар метин.
«Ленин ўлган» демаслар бироқ,
Барҳаётдир уларга Ленин.
Ўзидан ҳам балки қатъириқ
Улар давом эттирас йўлин.

ЗАМИН ДАРГАСИ

Ерни бошқармади
Хеч ким то шу дам,
Мен ҳам ҳеч кимсага
Атамадим шеър.
Фақат у
Қўлини кўтариб баланд,
Деди:
Бир оила эрур
Бутун Ер.

Бу қўшиғим эмас —
Васфи саркарда,
Етмиш икки томир
Тўлғоги эмас.
Бахтим шуки,
Бўлдим қора кунларда
Унга фикрдошу
Ҳамкор, ҳамнафас.

У биз —
Ҳамма нарса
Кун каби аён,
Фил кўрсак ўйнайди
Кўзнинг соққаси...

Симбирскдан чиққан
Бир содда ўғлон
Бұлди үз юртнинаг
Буюк дарғаси.
Бүронларда турди
Дарғагоҳда у
Жиндак қаттиққұлу
Мунис ва мұмтоз.
Бамисли Марксдек
Фикр қилди-ю
Ва лекин яратди
У Ленинга хос.

Пұқ!
Бу Стеньканнинг
Ғавғоси әмас —
Ва е Пугачевнинг
Содда исәни.
У ҳеч кимга ҳеч вақт
Күттармади даст,
Мушкулларни ечди
Одил, инсоний.

У юрди ирода,
Ақл сұзига,
Рулни маңкам тутди
Күрсатиб сабот —

Токи Ер кемасин
Метин күксига —
Бош урган тұлқинлар
Бұлсін деб барбод.

У — кема дарғаси,
Яъни капитан,
У борки, тұлқину
Бүрон не писанд?
Ахир турли юрту
Турли әллардан —
Ингилган партия —
Фаввослар монанд.

Олчоқмас денгизга
Үрганолмаган.
Бундайлар энг әзгу
Қасамлар учун —
Куруқликка чиққаң,
Топылғаң маскан,
Иұлчи машъалларни
Ұчирар бир күн.

Шунда шоириңгиз,—
Иұқ, у мен әмас,
У сиз билан, унинг
Тақдирін үзга,—

Кураш илхоми ю
Шавқи билан маst,
Янги сўзлар топиб
Шеър айтур сизга.

У айтар:
Ҳақиқий баҳргир улким,
Кураш оташида
Тобланар ҳар чоқ —
Ва олам кўзига
Кўрсатур бир кун
Одамзод қадами
Етмаган қирғоқ.

ХОТИРА

Бу — бошқа октябрь,
У Октябрмас...
Изгирин бўронлар эсди бесабр,
Қутурган арслондай
Наъра тортди маст
Уи еттинчи йилда келган Октябрь.
Едимда,
Мен боқдим толиқкан кўз-ла,
Қор қуюни ўйнар эди сарбасар.
Зулумот қоплаган Петроград узра
Чарх уради вазмин соялар.
Ўшанда сезганди оломон, ғулу,
Ва ҳис қилган эди — яқинидир бўрон.
Бекордан-бекорга изғиб қолмас-ку
Пўлат «тошбақа»лар у ёндан-бу ён.
Тарқалдилар...
Қатор чўқдилар бирдан...
Кўпларнинг вужуди титрай бошлиди.
Қўрқоқ учредилка дарвозасидан
Шиорни кимдир шарт юлиб ташлади.
Бошланди...
Нигоҳлар ҳушёр ва теран,
Жанг деди башарнинг уйғонган онги.
Оташ Авроранинг тутуни билан

Ёришди оламнинг мунаввар тонги.
Тақдирлар ҳал бўлди мана шу дамда.
Чапани сўкишлар остида шу кун —
Туғилди ва ўсни янги ватанда
Янги алвон шиор —
Иштирокиён!

СОВЕТ РУСИ

Бүрөн тинди.

Кам қолдик омон.

Дүстлар даврасида күплар йүк энди.

Қайтдим ғариб қолган масканым томон,

Саккиз Ыил күрмаган бу гүша мени.

Кимни чорлай?

Кимга тирик қолганим —

Аянч шодлигини айлайин баён?

Қаноти қайрилган улкан қүш каби

Нохуш боқар менга ҳатто тегирмон.

Бу ерда ҳеч кимса танимас мени,

Едида борлар ҳам энди унуган.

Мен учун қадрдан уйнинг ўринини

Қоплаган қора кул,

Йўл кўтарган чанг.

Ҳаёт эса қайнар,

Атрофим — одам.

Ешу кексалардан кўзни олмайман.

Лекин таниш бир юз учратолмайман

Маскан тополмайман нигоҳлардан ҳам.

Бошимни ўй чулғар,
Унгми бу, рүе?
Ватаним шу қадар ўзгармиш ҳозир.
Мен ўз қишлоғимда турибман гүе
Ұзоқ бир үлкадан келган мусоғир.

Мен ахир
Шу қишлоқ гражданиман,
Ха, у машхур бұлса ажабмас бир күн,
Аллақандай аәл бунда бир замон
Жәнжалкаш шонрни түқәнни учун.

Лекин ақл сұрап қалбдан ҳамиша:
«Не учун бұлурсан
Бунга поризо?»
Янги авлоднинг ҳам қулбаси ўша,
Лекин бу қулбада янги бир зиё.
Балки сен юз тутдинг хазон фаслиға,
Тингла, бұлак ёшлар бұлак күй айтар,
Бир қишлоқ Ватанмас замон наслиға,
Улар Ватан дея Ер юзин атар.

О, юртим!
Күлгулик ҳолдаман буқун,
Ор ўти ловиллар ол ёноғимда.
Гүе она тилем менга ёт бутун,
Гүе келгиндиман ўз қишлоғимда.

**Мана, якшанба күн,
Бутун бир қишлоқ.
Волостга түпланган — жоҳил, қизиққон.
Сүкниб, тупуриб аламли, қашшоқ —
Турмуш түгрисида баҳс қилас дәхқон.**

Чұлоқ бир аскарға тикилған күзлар.
Ү мағұр ғап бошлар күрган ишидан.
Керилиб Будённий ҳақида сүзлар,
Сүзлар Перекоппинің олиннишидан.

«Мана шундай, бизлар қылдик лола ғанғ
Буржуй қони билан Қрим ёқасин...»
Құлоқ — баргин тутиб тинглайди заранғ,
Ә воҳ деб хотинлар тутар ёқасин.

Мана, күринг қишлоқ йигитчаларин,
Булар комсомоллар — марш билан келар.
Гармонни янгратиб баралла улар
Күйлар Бедний Демъян агиткаларин.

Мана диёр
Менга шундай күринди,
Күйлардим мен дея халқ бирла ҳамдам.
Бунда менинг шеърим керакмас энди,
Керакмасман энди балки ўзим ҳам.

Нетай, майли,
Кечир мени, жон ўлкам,
Сенга хизмат қилдим — шундан мамнунмен,
Майли букун мени куйлашмаса ҳам,
Мен куйлаган чоғда мажруҳ эдинг сен.

Барин қабул қилдим,
Неки бор букун.
Юргайман не деса бу янги дунё.
Қалбим, жоним берай Октябрь учун,
Ва лекин созимни бермайман асло!

Узганинг қўлига бермайман уни,
На онам, на дўстим, на севганинг!
У менга ишонган ўз овозини,
Мен эса ишонмам уни ҳеч кимга.

Яшанг, ўсинг, ёшлар!
Соғ бўлинг, дуркун.
Мен ўзга оламман, сиз ўзга олам.
Узоқ эллар томон йўл олгум букун
Мангуга кўмилгай қалбимда алам.

Лекин йиллар ўтиб
Оlamda бир кун
Йўқолганда ёлғон,
Кузфат ва уруш.

Құйлайман дүнәнинг
Олтидан бирин,
Мухтасар ном билан
Атаб уни «Русь!»

КАВКАЗДА

Күп замонлар шеър аҳлин Парнас
Чорлаб келган йироқ элларга.
Баридан күп үзинг, эй Кавказ,
Илҳом бердинг шоир дилларга.

Оташ ёниб қайноқ қонида
Пушкин сенда куйлаган хумор:
«Құй, куйлама менинг ёнимда
Гамғин гуржи құшиғин, дилдор!»

Лермонтов ҳам қүйнингда бир вақт
Қалб тұлқини билмай ниҳоя:
Гүзал Бэлла, Қазбич, Азамат —
Түғрисида қылған ҳикоя.

Тұлиб оққан дарёға қиес
Тұлдирғанда ҳасрат юрагин,
Ү шоиру офицерға хос
Дүст үқиға тутди күкрагин,

Бунда шоир Грибоедов
Эронийлар шаҳид қылған жон.
Мунгли сурнай созин әшитиб,
Төг бағрида ухлайди ҳамон.

Мен ҳам келдим бағрингга, аммо
Келмогимнинг бойсии билмам.
Қабрларга ёш тұқурман, ё—
Шундамиқан қабрим менинг ҳам.

Майли, нетай. Буқун ўйимда
Уша буюқ инсонлар пайдо.
Улар сенинг гүзал қўйинингда
Қалб дардига тополган даво.

Юрмоқ учун ёвлардан нари,
Бўлмоқ учун дўстлардан йироқ,
Она юртни тарк этгани бари
Ва ихтиёр айлагани фироқ.

Қочиб келдим мен ҳам шулардан
Ул ҳаётга қайтмам умрбод.
Энди янги, вазмин ва улкан
Мавзуларда бошлигум ижод.

Куйчилар кўп Русда оташин,
Маяковский ҳам зўр шоир.
Моссельпром пробкаларин
Куйга солиб тургандир ҳозир.

Ладогалик сўфи — Клюев,
Шеъри худди пахталик чопон.

Езганини булбул эшитиб
Қафасыда ўлар бегумон.

Кавказ, сендан сўрайман изин,
Қўй, улардан сўзламайлик, қўй.
Кел, шеъримга шафақдай қизил
Меваларинг шарбатидан қўй.

Токи қайтиб она шаҳримга
Гўзал достон айлайин ижод.
Ғам-ҳасратлар чиқсан багримдан,
Ул ҳаётга қайтмай умрбод,

Бу дунёдан кетар онимда
Сўнгти марта қилайин тақрор:
«Қўй, куйлама менинг ёнимда
Ғамгин гуржи қўшиғин, дилдор!»

СТАНСЛАР

П. Чагинга бағишиланади

Узимга равшандир
Уз иқтидорим.
Шеър ёзиш унчалик қийин иш эмас.
Лекин юрагимни
Она диәрим —
Севгиси ёндирар, ўртар ҳар нафас.
Шеър нима деган гап,
Оппа-осон-ку.
Ой, юлдуз ҳақида ҳар ким ҳам ёзар.
Лекин мени қийнап
Узгача түйгу,
Узгача хаёллар
Миямни ёзар.

Шонир бўлсам дейман,
Ҳам гражданини,
Фахр, ўрнак бўлгудек
Элнинг барига.
Үгай ўгил эмас,
Фарзанд бўлсам чин
Мен буюк СССР штатларига.

Москвадан кетдим
Энди анчага,

Келиша олмадим
Миршаблар билан.
Олди мени булар
Зүр исканжага
Май ҳам ичолмайсан
Булар дастидан.

Раҳматлар айтаман
Миршаб дўстларга.
Лекин жуда оғир
Тахтада ухлаш.
Юрак тўлиб кетар
Мунгли ҳисларга,
Аллақандай шеърни
Ўқийсан дил ғаш.

Ургатилган қушмас,
Шоирман ахир.
Қандайдир Демъянлар тенги эмасман.
Майли-да, гарчи мен гоҳи сармастман,
Лекин ҳаётий нур кўзимда зоҳир,

Мен билиб турибман,
Кўриб ҳам сезиб:
Давр бизни қанча

Чархлаганини.
Элда Ленин номи
Шамолдек кезиб
Юргизмоқда онглар
Чархпалагини.

Даврингиз келибди
Үргатинг менга.
Сиз менга тоғасыз,
Жиянман букун.
Үлтири энди, Сергей,
Вақт келди сенга,
Маркс сатрларин
Үқимоқ учун.

Күнлар жилғалардек
Оқар осуда.
Кезаман юртимнинг
Барча бурчагин.
Кеча Москвадайдим,
Букун Бокуда
Серғулу конларга
Етаклар Чагин.

«Қара,— дейди менга,
Нефт — фонтанлар
Черков қуббасидан
Гүзәл-ку қара!

Биздан йироқ бұлсии
Мистик туманлар,
Күйла шоир букун
Не бұлса сара».

Сувда нефт түе
Эроний гилам.
Юлдузлар күк юзин
Қымыңда пардоз.
Мен қалбдан тайёрман
Ичмоққа қасам.
Боку чироқлари
Юлдузлардан соz.

Инсон қудратига
Қойилман, элнинг
Саноий күчига
Дейман тасанио.
Осмон юлдузларин
Құяйлик энди
Ерни порлатгумиз
Осмондан аъло,

ҮТАЁТГАН РУСЬ

Англаб етмаганмиз күп нарсаны биз —
Ленин зафаридан етишган авлод.
Эскича айтилар
Яңги күйимиз
Ота-боболардан қолганича ёд.

Дүстларим! Дүстларим!
На тарқоқ ўлкам.
Қайноқ бу ҳәетда нечун ғам дейман.
Почамни қайтариб.
Шайланиб мен ҳам
Комсомол кетидан югурсам дейман.

Не тоңғ ғамгии бұлса үтаётгандар,
Ешиларга етмоқдан
Кексалар маҳрум
Улар ўрилмаган жаңдарга ўхшар,
Чириб йўқолмоққа этилган маҳкум.

Мен-чи, мен ёшмасман,
Қари ҳам эмас —
Чириб йўқолгудек бу замонада.
Шунинг-чун ҳам балки қаҳвахонада
Гитара ноласи қилар мени маст.

Кел, жоним гитарам,
Куйлагин букуи.
Фақат шод оҳангда бўлсин куйларинг.
Токи чиқиб кетсин
Ёдимдан бутун
Зарра ором билмай ўтган кунларим.

Нега советларни айблагайман,
Нега ундан ризо бўла олмадим?
Чунки ўзгаларнинг курашида мен
Порлоқ ёшлигимни кўра олмадим.

Мен нималар кўрдим?
Жанг кўрдим фақат.
Қўшиқлар ўрнига
Тингладим сурон.
Қайга бош урай деб бесабру тоқат
Бутун курра бўйлаб югурдим гирён.

Лекин мен баҳтлиман,
Бўронлар аро
Умрбол ўчмагай ҳислар тополдим.
Мен ўз тақдиримни мангу беором
Қуюнлар либоси бирла ёполдим.

Янгича эмасман,
Яширмоқ нега.
Бир оғим менинг

Үтмишда ҳамон.
Интилиб даврнинг пўлат сафига
Бул оёқ тойдирар мени беомон.

Лекин Ҷахтсизлар бор,
Унут бўлган жон.
Юрмоқни билмаслар дадил қай сари.
Гоҳ у ён урарлар,
Гоҳ ўзни бу ён —
Галвир устидаги кепак сингари.
Уларни биламан,
Кўрганман кўп бор,
Сигирнинг кўзидаи кўзлари сузук.
Балки қонларни ҳам
Қоплагани могоҳ,
Пўпанак босгандек ботқоқлик юзин —

Айтинг-чи, ким отар
Бу ботқоққа тош.
Зиндор ота кўрманг
Кўзғаб бўйи бад
Вақт ўтар,
Уларни қуритар қуёш,
Кузда хазон қоплаб йўқолар агад.

Яна одамлар бор —
Четдан кўз ташлаб
Давр одимини кўрурлар олдан.

Бундай одамлар гоҳ
Орқасин қашлаб
Сўз очиб қолади янги ҳаётдан,
Хаёлга чўмганча
Қулоқ солиб бул —
Юпун деҳқонлардан эшитаман сўз:
«Совет ҳукумати бизларга маъқул,
Кўпроқ бўлса қани энди мих ва бўз»

Шуми истак,
Шуми ҳаётдан талаб,
Бўлса бас буларга картошка ва ион.
Нечун мени кечалар бахтимни қарғаб,
Нечун тақдиримдан
Бўлдим пушаймон?

Мен ҳавас қилурман
Буюк гоя деб
Қутлуг жангта кирган баҳодирларга.
Мен эсам
Ешликини слларга бериб
Букун эгадирман на хотирларга.
Нақадар оғир бу!
Нақадар оғир!
Қандай кириб қолдим бу тор йўлакка?
Нима бера олдим
Ҳалқимга, ахир!
Имконим йўқмиди бундан бўлакка?
Кел, жоним гитарам,

Куйлагин букун,
Фақат шод оҳангда бўлсни куйларинг.
Токи чиқиб кетсин
Ёдимдан бутун
Зарра ором билмай ўтган кунларим.

Биламан,
Май ичра чўкмас сира гам.
Дилга ором бермас
Сафар ҳам дейман.
Почамни қайириб
Шайланиб мен ҳам
Комсомол кетидан югурсам дейман.

ЛӘЛГА МАКТУБ

Ша күн албатың
Едингиздадир,
Бурчакка қисилиціб
Ожиз турғаним.
Газабнок әдингиз,
Ва ғоят оғир —
Сүз билан урдингиз
Бетимга маним.

Дедингиз:
Бас, етар,
Ажрамоқ керак.
Бетартиб умримдан
Тоқатингиз тоқ.
Ізламоқ бұлдингиз
Оқылроқ әркак.
Менниң қисметтім-чи
Тубанлаб кетмоқ,

Мен сизни севардым,
Сиз эса асло
Парво қылмасдингиз,
Мен әдім беҳол.
Шаддод бир суворий

Халойиқ аро
Қамчилаб чоптирган
Жонсиз от мисол.
Сиз билмас әдінгиз,
Бұронда, ахир,
Мени үз бағрига
Торғанин гирдоб.
Қаён өлтмоқдадир
Бизларни тақдир,
Билолмай чекардим
Аччиқ изтироб.

Юзни күрмоқ қиійин
Боқиб яқындан
Хар нарса йироқдан
Күринар аен.
Денгиз ұрақатға
Келса тұлқындан,
Билингки, кеманинг
Ахволи ёмон.

Ер катта кемадир,
Кимдир ногақон
Янги ҳаёт учун,
Янги шон учун
Бу улкан кемани
Даҳшатли бұрон,

Тұлқиялар құйнига
Йұллади буқун.

Кема ҹайқаларкан
Нотинч денгизда
Боши айланмаган,
Пиқилмаган ким?
Жуда кам,
Жуда кам,
Бундайлар биңда,
Уларнинг идроки
Қалбига ҳоким.

Шунда мен
Халойиқ шовқини аро
Үқчиган юзларга
Боқишдан толдим.
Шунда мен, тоқатсиз,
Кеманинг қаро
Остки хонасига
Кириб йўқолдим.

Қаҳвахона эди
Бу остки хона.
Шу кундан қадаҳга
Эгилди бошим.
Дунёни унұтлим
Тамом мастана,

Май бўлди ҳаётда
Елғиз йўлдошим.

Севгилим!
Мен учун —
Қийналдингиз кўп.
Ғамгин кўзингиздан
Сезардим буни,
Ахир мен шаробга
Бош билан чўкиб,
Ғавғосиз ўтмасди
Бирор бир куним.

Сиз билмас әдингиз
Бўронда, ахир,
Мени ўз бағрига
Тортганин гирдоб.
Қаён әлтмоқдадир
Бизларни тақдир.
Билолмай чекардим
Аччиқ изтироб.

Мана, йиллар ўтди,
Улғайди ёшим.
Фикру ҳисларим ҳам
Ўзгача бутун.
Байрам шаробидан
Кўтармай бошим

**Дарғага шараф-шои
Үқийман букуи.**

Дилни әркаларкан
Нозик түйғулар
Сизнинг ташвишиңгиз
Едимга олдим.
Шошаман сиз томон
Бермоққа хабар:
Бир замон ким эдим,
Ким бўлиб қолдим.

Севгилим!
Қувонч-ла қилурман баён,
Мен бир тик қоядан
Ииқилмай қолдим.
Советлар юртимда
Энди бу замон
Мен ашаддий ҳамроҳ
Номини олдим.

Мен тамом бошқаман,
Ер бўлсам букун
Сизни қийнамасдим
Балки у қадар.
Шонли меҳнат учун,
Эрк ва баҳт учун
Боришга тайёрман

Ла-Машга қадар.

Сиз мени кечиринг,
Сиз энди бошқа.
Букун сизга оқил,
Жиддий эр ҳамдам .
Бизниңг ташвишларни
Урмайсиз бошга,
Зарра керакмасман
Сизга ўзим ҳам.

Майли, яшанг янги
Ернинг олдида,
Бахтли бўлинг, шудир
Тилагим менинг.
Сизга салом билан,
Сизни ёдида
Доим сақлагувчи

Сергей Есенин.

* * *

Хайр энди, хайр, дүстгинаам,
Бағримдасан, күңгил малҳами.
Муқаррап бу айрилиқнинг ҳам
Висоли бор олдинда ҳали.

Хайр, дүстим, сұзга очма лаб,
Қүй, мен учун ўртама бағир.
Бу ҳаётда ўлмоқ-ку бор гап,
Яшамоқ ҳам янгимас, ахир!





ФОРС
ТАРОНАЛАРЫ
(Түркүм)



* * *

Доғлар кетмиш мажруҳ күнгилдан,
Маст васваса құзғамас туғен.
Мен дардимга Тәхрон гулидан
Чойхонада тополдим дармон.

Чойхоначи — барваста, ўктаң,
Қойил қолсın рус, деб, чойимга,
Үткір ароқ, май ўрнига ҳам
Аччиқ-аччиқ чой тутар менга.

Құй, мезбоним, аммо ҳад билан,
Богинг аро турфа гуллар бор.
Оқшом менга шиқоб остидан
Оху күзин сузды гулрухсор.

Россияда гулдай қызларни
Тутқинликда сақламас әрлар,
Сармаст этар бұса бизларни
Беханжару бемакру безар.

Бу тонг юзли дилдор қошимда
Бир бор хиром этса ноз билан,
Шоҳи рұмол солгум бошига,
Пұлларига шерозий гилам.

Мезбон, чой құй менга лолагун,
Шоир сенға сүйлемас әлгон.
Әхтиёт бүл ұзингга букун,
Сұнгра мендан қилмагин гумон.

Эшикка күп қарай берма сан,
Гул бөгінгга, барибир әүл бор..
Оқшом менға ниқоб остидан
Оқу күзин сузды гулрухсор.

* * *

Ҳаво тоза, мусаффо, зангор,
Гулзор бўлди менга сайилгоҳ.
Уфқларга йўл олган сайёҳ,
Етолмайсан манзилга зинҳор,
Ҳаво тоза, мусаффо, зангор.

Далалардан ўтасан танҳо,
Боғлар сенга очади қучоқ.
Сен-чи бўлиб гулга маҳлиё,
Тиканларга босмагин оёқ,
Далалардан ўтганда танҳо.

Шитирлар, йўқ, шивирлар барглар,
Нафис, гўё Саъдий ғазали.
Кўзларингга кўкнинг гўзали —
Олтин ойдан ёғилади зар,
Нафис, гўё Саъдий ғазали.

Дил қўшигинг басталар пари,
Най сасидек майин, дилрабо.
Оғушига олса ул барно
Кетар дилдан ғам, ҳижрон нари,
Най куйлайди майин, дилрабо.

Мана, узоқ кезиб пиёда
Чарчаганнинг эзгу матлаби;
Эсар салқин, хушбўй шаббода,
Шимиради қақраган лабим.
Эсар салқин, хушбўй шаббода.

* * *

Ой юзида тилла ранг жило,
Самбитгулдан таралар хушбүй,
Кезмоқ на соз қувноқ ва хушбүй
Мовий ұлка сукти аро.

Иироқларда Бағдод. Бир замон,
Шаҳризода яшаган днёр.
Ул санамга энди не даркор,
Хазон бўлмиш жаннат гулистон.

Ул шарпалар сиягибди ерга,
Дев, парилар бўлмишdir тупроқ,
Бош эгма, эй сайдеҳ, қабрига,
Арвоҳларга солмагин қулоқ.

Атрофга боқ, қанчалар барқут!
Дудоғингни тортар чечаклар.
Лушманга ҳам дўстлик қўлин тут,
Еруғ бўлсин кўнглим, десанг гар.

Ўйна, сендан не қолур ўлсанг,
Висол айлаб ишқ болига тўй,
Уликларга сиғинмоқ бўлсанг,
Тирикларни ўз ҳолига қўй.

Шундаи деган Шаҳризода ҳам,
Барглар айтар яна бир бора.
Бу дунёда армонсиз одам
Бечоралар ичра бечора.

* * *

Хүросонла бир дарбоза бор,
Остонаси гулга күмилган.
Үнда яшар бир пари рухсор,
Хүросонда бир дарбоза бор,
Хайхот, уни очолмадим ман.

Құлларимда күч ҳам етарли,
Сочларимда олтын ранг олған,
Асир этди мени ул пари,
Құлда гарчи кучим етарли,
Ул эшикни очолмадим ман.

Мардлигим не ишқ майдонила,
Айтинг, кимга қиласай шарҳи ғам?!
Севмас бұлса Шаҳи жонидан,
Ул эшикни очолмас бұлсам,
Мардлигим не ишқ майдонида?!

Яна тушди Русь сари йўлим,
Эрон, сендан кетгумми ҳали.
Наҳот, сени боз кўрмас бўлдим?
Она юртга меҳрим туфайли
Яна тушди Русь сари йўлим.

Хайр энди, хайр, паризод!
Дарбозангни очолмасам-да,
Ширин гаминг бирла умрбод
Күйлаб ўтай сени ўлкамда
Хайр энди, хайр, паризод!

* * *

Фирдавсийнинг мовий диёри,
Кўпни кўрган эй, кўҳна диёр!
Ўйчан нигоҳ, кўзи зангори
Ўрусингни унутма зинҳор!
Фирдавсийнинг мовий диёри.

Ажойибсан, гўзалсан, Эрон,
Боғларингда лола-ю наргиз,
Улар менга олис бепоён
Бир ўлкани эслатар ҳаргиз,
Ажойибсан, гўзалсан, Эрон.

Сипқорурман энг сўнгги бора
Шароб янглиғ мушкин бўйингни,
Жоним Шаҳи, дилбар куйингни
Айриларкан сендан, не чора
Тинглагайман энг сўнгги бора!

Куйинг мангу қалбимда қолар,
Сени асло унутмам жонон!
Тоғлар ошиб, кезиб саҳролар
Сен ҳақингда куйлайман достон,
Куйинг мангу қалбимда қолар.

Гамларингдан құрқмасман сира,
Фақат мени сақла ёдигда,
Русь ҳақида бир күй қолдирағы!
Мени әсля күйлар онингда,
Құшиқ бўлиб яшай ёнингда.

* * *

Шоир бўлмоқ — бу-ку тайин гап —
Ўз жонингни ўртамоқ фақат
Ханжар уриб нозик танингга,
Ўзгаларга баҳш этмоқ лаззат.

Шоир бўлиш — борлиқни кублаш,
Сенга кўпроқ бўлсин деб ошкор.
Булбул кўнгли бўларми ҳеч гаш
Қилар экан бир кубни такрор?!

Ўзгаларнинг овози билан
Тўтиқуш ҳам бийрондир, аммо,
Кўйла фақат ўз созинг билан,
Қурбақадек бўлса ҳам ҳатто.

Қуръонда ман этмиш Муҳаммад
Лаб урма деб ҳатто шаробга.
Шоир ичар шунинг-чун ҳам май,
Ташлар экан ўзни азобга.

Шоир келиб ёри олдига
Ет қўйнила кўрса уни гар,
Ут солса ҳам нафрат қалбига
Қиз кўксига урмайди ханжар,

Рашкда ёниб, күнгилда түтән
Мунгли күйлаб ташлайди қадам.
«Майли, ўлай хору саргардон,
Таңдиримда бор экан бу ҳам»,

* * *

Бир жуфт оққуш жонон құллары
Шүңгір олтын сочларим аро.
Бу дүнёда одамлар бары
Ишқни күйлар тақрор ва тақрор.

Күйлаганман мен ҳам бир маҳал,
Букун яна тақрорлар күнгил,
Оташ сұзим бөнсі үшал,
Нафис шеърим сабаби ҳам ул.

Жон-жонингга сингса муҳаббат
Қалб күксингда олтын тош бұлур.
Бахш этолмай күйга ҳарорат
Тәхрон узра ой ҳам фош бұлур.

Қандай яшай энди, билмайман,
Е Шаҳи-ла кечсин тунларим.
Қариганда ё қиласай армон
Ишқни күйлаб үтган күнларим.

Хар кимда бир үзгача эъзоз,
Хар кимда бор үзгача ҳавас.
Гар Эроний күйлолмаса соз,
Билингки, у шерозлик эмас.

Мен ұақымда айттынг, кимки бу
Күйим тиңглаб мени сұрса гар.
У бундан ұам соз күйларди-ю,
Хароб қилди ўшал оққушлар.

* * *

Нечув маъюс таратар зиё
Ой Хурсон чаманларига.
Русь бағрида кезаман гүё
Чўмиб оқшом туманларига.

Шундай дея, эй гўзал Лаълим,
Шамшодлардан айладим савол.
Бу сир бизга эмасдир маълум,
Деган каби боқди улар лол,

«Не учун ой маъюс сочар нур?»
Чечакларни тутдим сўроққа.
Улар деди: гулдан сўраб кўр
Саҳар пайти кирганда боққа.

Гул тебратди аста шохини,
Тилга кириб сўйлади гулбарг,
«Ўзга билан бўлди Шаҳина,
Ўпди бу кеч ағёрни дилбар».

Деди ёринг: «Қайдан билар рус,
Қўшиқ унга ҳам тану ҳам жон».
Шунинг учун ой боқар маъюс,
Шунинг учун юзида йўқ қон.

Не жафолар күрмади олам,
Хиёнату күз ёшдан хунлар.
Лекин, майли, ҳар на бўлса ҳам
Мўътабардир нафармон тувлар.

* * *

Талпинма күп, девона күнгил,
Барчамиздан юз ўгирмиш баҳт.
Шафқат тилар гадолар фақат...
Талпинма күп, девона күнгил.

Фусункор ой кийиб зар либос,
Шуъла тўқар каштанлар узра.
Қўйиб Лаълим сийнасиға бош,
Ниқобини тортаман юзга.
Талпинма кўп, девона күнгил,

Биз барчамиз гўдакмиз бир оз,
Гоҳ кўзда ёш, гоҳ лабда кулгу.
Бўлмиш ушбу дунёда мерос
Одамларга шодлик ва қайғу
Талпинма кўп, девона күнгил.

Кўрганман кўп элатларни мен,
Толе излаб кезганман жаҳон.
Юрагимниңг эзгу истагин
Энди ортиқ қидирмам сарсон,
Талпинма кўп, девона күнгил.

Умидим бор ҳаётдан ҳали,
Тугамаган күнглимда бардош,
Кел, бир нафас ором ол, қалбим,
Ухла қўйиб ёр кўксига бош,
Умидим бор ҳаётдан ҳали.

Зора тақдир бошимиз силаб,
Саодатга ёр этса бизни,
Толе булбул овози билан
Аллаласа пок севгимизни.
Талпинма кўп, девона кўнгил.





БАЛЛАДА ВА
ДОСТОИЛАР





ИИГИРМА ОЛТИЛАР БАЛЛАДАСИ

Күйла, шоир, күйлагил,
Күйлагил такрор,
Букун осмон гумбази
Нақадар зангор.
Күйла, мовий денгиз ҳам
Күй түқир букун
26 нафар
Марл ўғлон учун
26 ўғлон —
Мангу ўлмас жон.
Улар қабрин кўмолмас
Қўмлар ҳеч қачон.
Одамзоднинг ёдидан
Чиқмагай осон —
207-инчи

Чақиримдаги қон.
Узоқ денизлар узра
Хилпиар туман,
Бош күтарар құмлоқдан
Қара, Шаумян.
Сұнгаклар садосидан
Үйгонади чүл.
Құмлардан күтарилаар
Яна 50 құл.
Чиқиб келишар тирик,
Саломат, омон —
26 нафар
Баҳодир ўғлон,
«Қани юрдик, дейдилар,
Бокуга томон,
Ҳали туман пардаси
Сузар ҳар ёнда.
Боқайлик-чи, нима гап
Озарбайжонда».

• • • • • • • • • • •
• • • • • • • • • • •
Күкда ойни қовундеск
Юмалатар тун.
Қирғоқларга урилиб
Пишқирап тұлқин.
Уларни мана шундай
Зим-зиә тунда
Инглизлар бешафқат

Отдилар бунда.
Коммунизм — адолат
Ва эрк байроби.
Эрк деб құзғолди буюк
Юртнинг ҳар ёғи,
Империяга қарши
Курашда маҳкам —
Сағта турди деҳқон ҳам,
Пролетар ҳам.
Дворяннинг бошида
Үйнаған қилич —
Бор эди бизнинг жицдий
Отамиз Ильич.
Шарқнинг Ильичи эди
Булар бегумон —
26 нафар
Баҳодир ўғлон.
Одамларнинг ёнидан
Чиқмагай ҳеч вақт
18-йилда
Юрт чекқан зақмат.
Жаҳоннинг буржуйлари
Бўлиб бир томон —
Озарбайжон кўксини
Қилдилар нишон.
У замонда Коммуна
Ҳали эди ёш.
Беролмади бу ўлка

Евларга бардош.
Бардош бера олмади
Ва бұлди қурбон
26 нафар
Бағодир ўғлон.
Құмлар худди әриган —
Мұмлар сингари,
Красноводскдан
Утдилар нари.
Биров қиличга учди,
Үқ еди бицов.
Қонга белади барин
Тунда ваҳший ёв.
26 нафар
Бағодир ўғлон.
Қабрларин күмөлмас
Құмлар ҳең қачон.
Одамзоднинг ёнидан
Чиқмагай осон
207-вчи
Чақиридаги қон.

Узоқ дengизлар узра
Хилпиар туман.
Бош күтарар тупроқтан
Қара, Шаумян.
Сұнгаклар садосидан
Ұйғонади чүл,

Құмлардан күтарила
Яна 50 құл.
Чиқиб келишар тирик,
Саломат, омон
26 нафар
Баҳодир үғлон.

Тим қора либос кийган
Түн ұам қайғуда
26 шарпа
Кезар Бокуда.
26 соя
Кезади ұар ён.
Улар туғайлы бу ғам,
Бу мунгли достон.
Эсған на шаббодадир,
Сузған на туман.
Сукут сақлаб қулоқ сол —
Сүйлар Шаумян:
«Жапаридзе, күр, дүстім,
Бу қандай замон,
Ишчиларнинг құлида
Күрмоқдаман нон.
Ернинг қора қонидай
Нефтлар оқмоқда,
Паровозлар, кемалар
Қара, ұар ёқда —
Улар юрт бүйлаб кезар

Кеча-ю кундуз
Манглайида бизларнинг
Лола ранг юлдуз».

Жапаридзе дўстига —
Дейди: «Ха ишон,
Булар бари бизларнинг
Зафардан нишон.
Демак, ишчилар синфи
Юртда мустаҳкам.
Кавказни қўлда тутиб —
Турибди маҳкам.
Қара ойни қовундек
Юмалатар тун.
Қирғоқларга урилиб
Пишқирап тўлқин.
Бизларни мана шундай
Зим-зиё тунда
Инглизлар бешафқат
Отдилар бунда».
Коммунизм адолат
Ва эрк байроғи.
Эрк деб қўзғолди буюк
Элнинг ҳар ёғи.
Империяга қарши
Курашди маҳкам
Сафга турди деҳқон ҳам,
Пролетар ҳам.

Дворяннинг бошида
Үйнаган қилич —
Бор эди бизнинг жиддий
Отамиз Ильич.
Шарқда-чи булар эди
Булар, бегумон,
26 нафар
Баҳодир ўғлон.

· · · · · · · · · · ·

Осмон аста ёришар,
Бошланар саҳар
Гапдан тўхтар оҳиста
Азиз соялар.
26 нафар
Баҳодир ўғлон
Иўл олишар орқага —
Ахч қўйма томон.
Куйла, шонир, куйлагил,
Куйла яна бор.
Букун осмон гумбази
Нақадар зангор.
Куйла, мовий дengiz ҳам
Куй тўқир букун
26 нафар
Мард ўғлон учун.

УЛУФ ЖАНГ ҚИССАСИ

Эй одамлар, одамлар,
Эй сиз, халойиқ.
Сизни не деб атайнин,
Сизга не лойиқ.
Каналар десамми, ё
Чигиртка дуруст...
Нопок Русь, ювилмагап,
Таралмаган Русы!
Сүзлай букун бир эртак,
Янги ақида
Бизнинг турмуш ҳақида,
Ҳаёт ҳақида.
Биринчиси, эшитинг,
Бурунги ҳаёт.
Иккинчиси ҳақиқий,
Бугунги ҳаёт.
Русь, сенга бу эртакни
Сўйлаётирман!
Чунки мен азал — обод
Ҳақгўй, ботирман.
Бу эртакни тўқидим
Ким бўлса ўқир.
Ўзгалардан ҳайиқиш
Одатим йўқдир:

Катта шаҳар — Иппатьев
Томони экан.
Император Пётрнинг
Замони экан.
Шундай сўзлар айтибди
Бир кун бир мирза:
«Ёронлар, аҳмоқ подшо
Бош бўлди бизга.
Узоқ-узоқ юртлардан
Уста чақириб,
Питер шаҳрин қурмоқда
Немисча қилиб.
Бошқа иши йўқмикин
Подшоҳимизнинг.
Немислаштиromoқ бўлар
Не учун бизни.
Қирқади князларнинг
Мўйлов, соқолин.
Кўриб йиғлагинг келар
Руснинг аҳволин.
Пешонамиз шўр экан,
Зўравон аҳмоқ —
Ким сўзига кирмаса
Кўтарар таёқ».

Бир ёш аскар бу сўзни
Эшиғиб шу дам
Мирзанинг кокилидан

Ушлади маңкам.
«Қани юр-чи бу әққа,
Имиллама бүл!
Сени Петерградга
Етказай бир Ыл.
Халқа айтған гапингни
Билса подшо гар,
Тумшугингдан осади
Сени иғвогар».

Тверской — Ямской
Иұлидан ғизза
Подшо ёнінга учар
Бечора мирза.
Роса тұрт күн деганда,
Пешин өғіні
Етиб келди подшонинг
Сарой — боғига,
Подшо баланд зинага
Құйғанча оёқ
Аскарнға кел, дея
Силкиди таёқ.
«Хузуримға не учун
Келдінг, аскар, сен.
Айт, ёки Москвадан
Махфий чопарсан»,
«Мен на чопарман ва на
Москвалик хос.

Мен сенга садоқатли
Хизматкор холос.
Келтирдим ғалаёнчи
Битта мирзони.
Оғримаган күринар
Унинг ҳеч жони.
Сенинг юксак номингни
Ерга қориб бу
Қўзғаб юрибди, шоҳим,
Эл ичра ғулу».
Пётр деди:
Бери кел,
Бери кел, оч бит,
Мирзанинг кокиллари
Бўлди типпа-тик.
Қулоч тортди Пётр,
Подшонинг мушти
Тўғри шўрлик мирзанинг
Бошига тушди.
Чориқ кийган оёғи
Бўлди осмондан,
Бечора тил тортмайин
Айрилди жондан.
Пётрнинг саройи бор,
Саройда қозиги бор,
Қозиқда чипта осиқ,
Бу гапнинг ибтидоси.
Алексеевич Пётр

Мисоли дев-а.
Дам олмасдан ичади
Бир челак пиво.
Чекса агар уч тош ер
Бўлади тутун.
Кийими бошдан-оёқ
Немисча бутун.
Сўз қотади улуғвор
Алексеевич Пётр.
«Қани кел-чи ёнимга,
Азизим Лафорт.
Амстердамда бўлдинг,
Устасан жуда.
Қаролдек хизмат қилдим
Бир вақт қўлингда.
Уша ерда ўргандим
Болта тутишни.
Сенга букун топширай
Катта бир ишни.
Уша ерга бор, дўстим,
Мендан салом айт.
Дегин бу дам подшонинг
Холи оғир пайт.
Холим оғир, ўйлайман
Юртим ҳақида.
Улим яқин, ўлимдан
Қўрқаман жуда.
Улимдан қўрқаману,

Яшаш ҳам оғир.
Ким бош бўлар Петерград
Шаҳрига, ахир.
Ухлар бўлсам тушимга
Кирап, гапим ҳақ,
Ботқоқлик туманида
Ўлиб битган халқ.
Тунда улар овози
Ўйғотар мани:
«Суякларимиз узра
Етар гранит...»
Хаёлимда ўликлар
Ўрнидан туриб,
Саф тортганча мен сари
Келади юриб.
Қичқиради ўликлар
Битгунча қулоқ.
Бу ваҳшатдан бўлди·ку
Тоқатларим тоқ
Улар дейди: «Борлиққа
Биз энг улуғ шоҳ.
Қўлимиизга тушарсан
Ўлгач, эй подшо!
Орамизга келасан
Бир куни ахир.
Шунда сенинг сочингни
Юламиз бир-бир.
Бойлар эди сенга ёр

Ва министрлар.
Бизнинг қонимиз тўкиб
Тикладинг шаҳар.
Лекин билсин ҳар бир уй,
Ва ҳар бир қават:
Бизлар бир кун қайтамиз,
Қайтамиз албат.
Бизницидир бу шаҳар,
Бизницидир, хақ.
Бу шаҳарда яшагай
Фақат ишчи халқ!»

Шундай дея жим қолди
Алексеич Пётр.
Манглайидан шашқатор
Оқди муздек тер.

Тингланг мени, тинглангиз,
Йигилган дўст, ёр
Бошиңгизга ёпайин
Қуюн билан қор.
Ҳаммангиз ҳам яхвисиз
Ва олижаноб.
Бермайсизми, дўстларим,
Бир коса шароб?
Одам тили — қуш тили
Эмас-ку, албат,
Одамлар, сиз топгансиз
Жуда соз одат.

Құнгироқлар занг урли
Отилди түплар.
Бу не гап — айтмасам ҳам
Тушунар күплар.
Қанча-қанча гул билан,
Лолалар билан
Пётрни күмишили
Нолалар билан.
Күп йигилди одамлар
Турли томондан.
Биров чиндан йиглади
Биров ёлғондан.
Икки юз йил вақт үтли
Шундан буёги —
Бемаъни подшоларнинг
Пўқдир саноғи.
Икки юз йил янгради
Ер остидан ун:
«Биз қайтамиз, шаҳарни
Оламиз бир кун.
Тутиб барча бойларнинг
Кўзин ўямиз.
Шам ёғочга барини
Осиб қўямиз».

Икки юз йил вақт үтди
Келди Октябрь.
Тўлқин урди қирғоққа

Нева бесабр.
Тонг билан халқ құзгалди,
Бошланды бүрон.
Шам әғочга осилди
Оқсук аъён.
Яша, эй азамат халқ,
Питер, бұл омон!
Ва лекин нега тұплар
Гумбурлар ҳамон?
Денгизларнинг ортидаң
Шаңар четидан —
Садо келар гумбурлаб
Садо кетидан.
Бұлған әди күп ишлар
Бунда у замон.
Хотирамда қолганча
Қилайни баён.

Севин, шод бұл, эй юрак,
Эй күнгил, қувон!
Советлар замонидир
Бизларнинг замон.
Оқсук офицерни
Келтиріб кеча.
Губчекада адабин
Бердилар пича.

• • • • • • • • • •
Яблочка құшигини

Күйлар ёш матрос:
«Шошмай туринг, сизларга
Ҳали бу ҳам оз!»
Украина яқинида
Яворда эса,
Шум хабар эшиңдилар
Деңқонлар кеча.
Советлар ҳукумати
Деңқонга яхши.
Лекин ёв құшинн тортмаш
Советта қарши.
Бу құшинлар деңқондан
Олмоқ бұлар үч.
Қасоста Врангель ҳам,
Деникин ҳам үч.
Мадад берар уларға
Яна бир олchoқ.
Құшин ғұллар Сибирдан
Адмирал Колчак.

Тутиб олдым балиқча,
Қылтаноги оз.
Зоти деңқон болалар
Бир-биридан соз.
Тегирмөндән бут чиқар
Ташласанғ тикка.
Кетди улар яланғ түш

Партизанликка.
Қизил аскар найзасия
Ярақлар тиги.
Бу майдонда дүч келар
Ота ва ўғил.
Бир мақсадда курашар
Ҳар иккя томон.
Олсам дейди күпроқ ер,
Эксам дейди дон:
Дейди жавдар, сулига
Омборим тұлсин.
Дейди доим пичогим
Мой узра бұлсин.
Нафрат, ғазаб юракка
Келмасми тұлиб?!

Донда құшиқ айтишар
Бизлардан кулиб:
«Пароходлар юради
Пристанидан,
Балиқларни боқамиз
Коммунист билан.
Биз айтамиз:
«Кім зұрроқ —
Билинар бир күн
ВЧКга түмшүғинг
Илинар бир күн».
Бир кулфатдан тугилар
Құш-құша кулфат.

Бу күн Питер устила
Яна бир даңшат.
Хеч ким билмас бу не ҳол,
Бу қандай сурон.
«Мудрай күрма, ҳүшөр бўл,
Меҳнаткаш инсон!
Питер остонасига
Юдинич келди!»
Айтинг, дўстлар, ҳолимиз
Не кечар энди?
Замбараклар гумбурлар
Ҳар ён ўт, тутун.
Не бўлди эй шўрлик ҳалқ,
Питер, бу не кун?!

• • • • • • • •

Уша йили ёмғир ҳам
Челаклаб қўйди.
Барча кузги экинлар
Илдизин ювди.
Деҳқоннинг нақ кўксига
Санчгандай ханжар,—
Уша йили далада
Битмади жавдар.

• • • • • • • •

Ёмғир ёғар савалаб,
Сира тинмайди.

Чарм курткали комиссар
Үйқу билмайди.

Дунай орти — казаклар
Қароргоҳида,
Оч бўри қумри бўлиб
Инглар гоҳида.
Корнилов казакларга
Бир сўз айтадир:
«Партизанлар адабини
Бермоқ пайтидир.
Қизил Армияни-чи
Деникин боплар.
Боқ, Дунайдан Донгача
Бизнинг байроқлар...»
«Тосталмаса бас жавдар,
Омон юлса дон»—
Фақат шуни ўйлайди
Бечора деҳқон.
Аммо Деникин қадам—
Қўйгани замон—
Юз тош ерни бир йўла
Айлади пайҳон.
Деҳқоннинг бу ҳолидан
Душман суюнди.
Кайфу сафо авжида,
Моллар сўйилди.
Аёлларнинг кўз ёши

Тўкилди қанча,
Еш қизларнинг номуси
Букилди қанча.
Дедилар:
«Яланг оёқ
Қора халойиқ,
Сенларнинг қилмишингга
Мана шу лойиқ.
Эй, сен ифлос, ярамас,
Фирибгар шайтон.
Ер-сувларнинг ҳақини
Тўлаб қўй дедқон!
Оғсанинг-чун бойларни
Жавоб бер, қани,
Қамчи кучин кўриб қўй,
Момонгни сани!..»
Эй зангори сиренлар,
Эй четан девор.
Одамзодга бўлмасин
Она юрти тор.
Мана, чорбоғ, кулбалар
Хувиллаб қолди.
Ерни ташлаб дедқонлар
Қайга йўқолди?
Урилмаган экинлар,
Далалар пайҳон.
Энди қайдан бошпана,
Излайсан дедқон?

Меңнаткашга нақадар
Оғир бу күнлар
Чарм куртка кийгәнлар
Ухламас түнлар.
Улар қылур жон фидо
Эл учун: фақат —
Құлдан кетмасин дерлар
Она Питерград.

Лиговода дақшатли
Жанг борар бу чоқ.
Мотамсаро Питерград
Кечалар уйгоқ.
Бир зум құйсанғ ёв енгар
Хамда умрбод —
Элнинг асрий тилаги
Бұларди барбод.
Манглайлардан тер оқар
Ва лаблардан қон.
Чарм куртка кийгәнлар
Аҳволи ёмон.
Үрілған бошоқлардек
Мурдалар ётар.
Кишинаб, ҳуркиб осмонга
Сапчийди отлар.
Лекин бизнинг зарба ҳам
Кучаяр күн-түн.
Жанг боради саккиз күн,

Мана, тұққыз күн.
Унинчи күн ёв қочди
Дош бермай жанғга.
Сичқоннинг ини бұлды
Үнга минг танга.
Бизникилар душманни
Қылдилар яқсон.
Яша эй, азамат халқ,
Питер, бұл омон!
Лекин Белград ёқда
Харьковда ҳамон
Азоб чекар мәжнаткаш
Қон ютар деңқон.
Яланг оёқ Москвага
Чопар юпун әл.
Уларнинг ноласидан
Тиітрап бутун ер.
Бир парча нон деб тұқар
Күзларидан ёш.
Бу кулфатга айтинг, ким
Беролур бардош?!

Қишлоқнинг ўт юракли
Ингиллари күп.
Бамаслақат бир ерга
Ингилдилар тұп.
Ендирилар ҳар ёни
Үт кетди лов-лов,

Нақ Деникин кўзидан
Чақнади олов.

Эй қўшиғим, қўшиғим,
Борми сендан соз.
Гоҳ мунглидир овозинг,
Гоҳида сарноз.
Қўшиғимнинг давомин
Эшитиб олинг.
Қўшиқчига бир коса
Май бера қолинг.

Эҳ, ёвларнинг бошида
Үйнади таёқ.
Шўрлик Деникини кўр,
Корниловга боқ!
Қўшиқ айтсам овозим
Оламни тутар.
Колчак деган адмирал,
Қўлинигни кўтар!

Чўл бағридан сас келар,
Келади сурон.
Уз юртим деб курашар
Букун ҳар инсон.
Чарм куртка кийганлар
Донда кўп ҳаддан.
Улар келган, албатта,
Петрограддан.

Оқларнинг масканида
Доду, оҳ-фиғон.
Босиб борар бизларнинг
Қўшин беомон.
Оқларнинг масканида
Фарёду нолиш...
Тонгги шафақ уфққа
Аланга ёқмиш.
Майхоналар дарчаси
Тонггача ёруғ
Улар билмас эртага
Ким бору, ким йўқ:
Подшо учун ишчилар,
Қутлуғ Русь учун
Фоҳишалар бағрида
Ухлашар букун.

Қизиллар масканида
Хуррак ва тутун.
Пайтавалар ҳидидан
Ёрилар бурун.
Эрта тонгдан бошланар
Яна қонли жанг
Биродарлар, дам олинг,
Солдатлар, ухланг.
Бошингиздан зар сочсин
Тонг нури порлоқ.

Чарм куртка кийганилар
Бу кеча уйғоқ.

Хали тушмай далага
Тонгнинг илк нури.
Бизни саңар уйғотди
Тұплар гумбури.
Аlam тұла күз билан
Тикканча назар.
Чарм куртка әгнида,
Деди комиссар:
«Душманга биз шу ерда
Таслим бўлсан гар,
Октябрнинг қуёши
Бир умр сўнар.
Ҳаётимиз қулликда
Үтади тамом,
Ев қамчиси бошларда
Ўйнайди мудом».
Рота командиrimiz
Шу гапдан кейин,
Аста артиб күз ёшин
Ечди этигин.
Менга қараб деди у:
«Ўйда этик йўқ.
Хотинимга бериб қўй,
Кўнглим бўлсин тўқ».

Ҳали тушмай далага
Тонгнинг илк нури,
Бизни саҳар уйғотди
Тұплар гумбури.
Күйла, күйла, эй созим,
Күйни баланд ол.
Буржуй отли кимки бор —
Түмшүғига сол.
Үқ аришнинг нишидек
Күксига ботар.
Бизнинг отряд жадаллаб
Олдинда борар.
Югурамиз тұхтамай,
Чүмганча терга,
Муккасидан йиқилар
Коммунар ерга.
Ев чекинар, чекинар,
Биз олға, олға.
Майли, ҳалок бұлғанлар
Емғирда қолса.
Баҳодирлар, тинч ухланг,
Қайтиб келурмиз.
Эъзоз билан сизләрни
Дағы қилурмиз.

Жанг тамом, пештоқларда
Бизнинг ол байроқ.
Құлға олиб оёғин

Қочар ёв олчоқ.
Ұлмасдан қолганига
Хайрон, әнтикиб
Рота командиримиз
Кийди этикини.
«Бу этигим хоинга
Қайда мос бўлур?!
Уни ўзим тепкилаб
Кийсам соз бўлур».

Жанг тугади, шод букун
Тирик қолган жон.
Яша, эй азамат халқ,
Питер, бўл омон!
Тунлар ярим кечадан
Саҳарга қадар
Нева узра Пётрнинг
Шарпаси кезар.
Пётрнинг шарпаси
Уйиб қовоғин.
Тун бўйи кезиб чиқар
Шаҳар ҳар ёғин.
Оёқлари остида
Гранит қирғоқ.
Қудратли кемаларга
Боқади узоқ...

ҰТТИЗ ОЛТИЛАР ДОСТОНИ

Россияда жуда күпдир
Иұл,
Иұллардан ҳам қабристонлар
Мұл,
Бир чақирим юрмасдан
Салиб,
То Енисей турар
Юксалиб —
Олти минг бир қабр,
Огох бүл.

Бамисоли улкан қопда
Тош,
Урал құйиб ётар ерга
Бош.
Ётар унинг ортида
Тайга,
Ботар түшса оёғинг
Қайға,
Пиёда бир юриб күр,
Йұлдош.

Ким ўрганған бұлса агар —
Соз!

Ҳазыл әмас Сибирда
Аёз!
Үрганмаган бўлсанг сен,
Магар —
Иўлда қолсанг
Чиябўрилар —
Мурданг узра ўқишар
Намоз.

Қинқиради даҳшатли
Бўрон,
Оғир қадам ташлайди
Посбон.
Елкаларда милтиқ
Қўшалоқ,
Агар бўлсанг ўрмонга —
Кирмоқ
Кўзингга ҳеч кўринмасин
Жон.
Маҳбусга-ку саллот
Етти ёт,
Саллот қилар ўзин
Эҳтиёт.
Тўғри нишон олмаса
Кўзи,
Нишон бўлар милтиққа
Ўзи.

Аммо ортга қайтма,
Бор азод.

Ким оғасин Тайгага
Томон —
Элтар бўлса топмасин
Омон.
Сен кишандадил
Бор ўзинг
Бамисоли шамол —
Баргузин.
Югур олға, тирик экан
Жон.

Уй бор Урал ортида
Танҳо,
Чор атрофи бепоёни
Саҳро,
Дераздан жилмайиб
Хнёл,
Соз чертиб куй айтади
Ҳилол.
Айт, ёмонми бу куй,
Бу наво?

Эшият, қўшиқ оҳангиги
Кўп соз.
Бу қўшиқка кўплар

Ишқибоз.
Ұсар Урал ортида
Арча,
Яшамоқни истайди
Барча,
Ой берганда уйларга
Пардоз.

Қайда бұлса агар бир
Дилдор,
Мисли сиренъ гуллаган
Баҳор.
Қадди наврас, оҳудек
Күзи
Бамисли шу ўлканинг
Ўзи.
Уша ерда қуй ҳам
Сеҳркор.

Қичқиради даҳшатли
Бўрон,
Оғир қадам ташлайди
Посбон,
Елкаларда милтиқ
Қўшалоқ,
Агар бўлсанг ўрмонга
Кирмоқ —
Кўзингга ҳеч кўринмасин
Жон.

Қуюн тұзғир бамисоли
Пар,
Еңоқларга санчади
Ништар,
Сен ҳаттоки оғир
Кишанда
Бұлсанғ қуёш ҳусніга
Банда
Шлиссельбург бұлгайми
Беқтар.

Баланд ғишин түрт девор
Аро
Қафасдаги арслондай
Гүё
Юрасану ўйлайсан
Фақат—
Балки она юртингдан
Бу вақт
Бирор хабар келтирадар
Сабо.

Балки бұлиб тупроқ билан
Тенг
Ұлиб кетган энг сүнгги
Дүстинг.
Балки онанғ берар бу вақт
Жон...

Қани энди бұлса-ю
Имкон
Ташқарига отсанғ сен
Ұзинг.
Лекин олис вақт
Бениҳоя,
Саллот сезар ўтса бир
Соя.
Билмоқ бўлсанг нимадир
Кечмоқ,
Бир дам менга сол энди
Қулоқ,
Сўзлаб берай битта
Ҳикоя.

Улар эди ўттиз олти
Ёр,
Камерада ўлтирмоқ
Душвор.
Қуюн ўйнар дарчада
Ҳар дам
Шлиссельбург турар
Мустаҳкам.
Денгиз унга айтади
Алёр.

Улар нечун бу ерда
Етур?

Чунки улар ўқтам ва
Жасур.
Чунки оташ қалбларда
Фақат —
Она юртга сұнмас
Мұҳаббат.
Улар шундан бу ерда
Етур.

Хотирадан чиқмас сира
Зил —
Үн еттинчи алангали
Пил.
Күчаларда баррикада —
Ғов
Ака-ука бир-бирига
Ев.
Бир-бирига хунхор ва
Қотил.

Бири тахтга ошиқ бұлған
Құл,
Подшосини құриқлады
Ул.
Бири тахтга ларза
Солғучи.
Ақасида бор унинг
Үчи.

Айт, ноҳақми ука тутған
Йўл?

Едимдадир, хаёл эмас,
Чин,
Казак қўлда ўйнатган
Қамчиш.
Ўқса учиб узилган
Жонлар,
Кўкраклардан силқиган
Қонлар —
Садродағи лоладек —
Рангни.

Қор устига тўкилган
Лола.
Не эканин билар ҳар
Бола
Ким ёшлиқда бўлмаган
Тентак,
Муштлашмаган, емаган
Калтак,
Қони билан экмаган
Лола?

У кунларни мен кўрганим
Йўқ.
Бола эдим мисли оташ,

Чўр

Ҳали китоб кўрмаган
Эдим,
Кўрсам эдим турармидим
Жим.
Сўзим билан отмасмидим
Уқ?

Улар эди ўттиз олти
Ёр,
Барчасиниг тахтда ўчи
Бор.
Ташлаб келган барчаси
Ўйин,
Мажнунтолин ва ҳовуз —
Бўйин,
Лекин дилда қўшиқдир
Диёр.

Шундай деди комендант
Бир кун:
«Торлик қилди зал сизлар
Учун.
Бешта маҳбус бу ерда
Қолур,
Камерадан ёлғиз жой
Олур,

Қолғанлар-чи — вокзалға
Шу тун!
Кенг далада қордан оқ
Тұзон,
Үчиб борар қафасдек
Вагон.
Тақиrlайди бетин пұлат
Из,
Кім айтолур, бу замон
Поезд
Тұтқунларни әлтмоқда
Қаён?

Россияда жуда күпdir
Йұл,
Иұллардан ҳам қабристонлар
Мұл.
Бир чақиrim қормасдан
Салиб.
То Енисей тураг
Юксалиб
Олти минг бир қабр,
Огоҳ бүл.

Поезд учар борича
Имкон,
Юракларда сирли

Ҳаяжон,
«Билагузук» қисған
Құллардан,
Элтмоқдалар темир
Йұллардан.
Олтын тоғда қазиши учун
Кон.

Үнда ишлар ҳар бири.
Токи —
Олтын тоғда қолгүнча
Хоки.
Қони бўлиб қумга
Олуда,
Вақт келиб ўз қизи
Қўлида
Тилла узук бўлар
Ҳаттоки.

Кенг далада қордан оқ
Тўзон,
Елдек учар маҳкам берк
Вагон.
Бирдан турди ўттиз —
Биринчи,
Деди дилнинг йўқолди
Тинчи,
Уйқум қочди бу тун
Ногаҳон.

Бу кеч менга йўқ энди
Ором,
Мен қочишга аҳд қилдим,
Тамом.
Кўкда ой йўқ, қоп-қора
Зулмат,
Ёрдам беринг туришга
Фақат,
Тўлиб кетди сабр аталган
Жом.

Панжарани қирқади
Арра,
Ёрдам берди қуюн
Бир карра
Дўстлар, мени қуршаб
Ҳар ёқдан,
Пана қилинг фақат
Чироқдан.
Пайқашмаса, менини
Марра.

Үттизтаси туриши
Қатор,
Гўёки бир ўз гаплари
Бор.
Гўё қорга боқарлар
Фақат,

Наҳот қочмоқ шунча,
Машаққат —
Ениқ экан дарчада
Фанор.

Унда қолди бешавлон
Үртоқ,
Ҳар бирида бор ўзга
Етоқ.
Қуон ўйнар дарчада
Ҳардам
Шлиссельбург турар
Мустаҳкам,
Фақат унда машаққат
Етмоқ.

Үйқу келмас күз юмсанг
Даланг —
Хәёлингда жонланса
Яланг
Күз олдингдан кетмаса
Үйинг,
Чамапларга бошласа
Үйинг —
Чопиб юрган чоглар
Бош яланг..,

Ҳар ён жимжит, сокин кечки
Чоғ,
Етти бор занг урди
Құнғироқ.
Ой баркаши улкан ҳамда
Ол,
Бамисоли сургандай
Хаёл
Жим ғилдираб борар, күкси
Доғ.

Қуюн үйнар, еру осмон
Тенг,
Қуюн — әлғиз ғамзада
Дүстинг.
Хоҳ ёруғ кун, хоҳи
Зимистон —
Қани энди бұлса-ю
Имкон
Ташқарига отолсанғ
Ұзинг.

Бешинчиси ҳасратдан
Толди,
Қаердандир бир әгов
Топди.
Қытирлатди тун бүйің
Бетин,

Тер қоплади мангла-ю
Бетин.
Лабларидан чакиљлаб
Томди.

Аравага ортаркан
Үтин,
Күриб қолди маҳбуслар
Бир кун—
Қичқирганча қия
Жарликка
У ўзини ташлади
Тикка
Ўз қаърига олди уни
Тун.

Кун кетидан ўтади
Кунлар,
Кунлар худди чархдек
Уринар,
Мана, аёз изиллатган
Чор—
Қирқ иккинчи камерада,
Боқ,
Яна қайта учрашди
Улар.

Бешинчига тикканича
Күз,
Бошлар ўттиз биринчиси
Сүз,
Хов олисда оқар бетинч
Объ,
Соҳилида қишлоқ бор
Хароб,
Шу қишлоқдан ўтар темир
Из

Келур одам ҳаётга
Бир бор,
Үтгәнларни эсламоқ
Душвор.
Күргин энди, сибирлик
Лодон,—
Унинг учун бир тийин
Инсон,
Ҳар қадамда сотмоққа
Тайёр,

Оппоқ қорга бурканган
Ҳар ён,
Ҳеч нарса йўқ ёдимда,
Ишон,
Бир нарсанни эслайман
Фақат,

Форс тароналари

(Туркум)

«Доғлар кетмиш мажруҳ күнгилдан...»	73
«Букун дедим саррофга атай...» . . .	75
«Шаҳинам, о менинг Шаҳинам...» .	77
«Дединг, Саъдий доимо ёрнинг..» . .	79
Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч...» .	81
Тъфар юртга нур тўкар оқшом...» .	83
Заво тоза, мусаффо, зангор...» . . .	85
Дӣ юзида тилла ранг жило...» . . .	87
«Хуросонда бир дарвоза бор...» . . .	89
«Фирдавсийнинг мовий диёри...» . . .	91
«Шоир бўлмоқ — бу·ку тайин гап...» .	93
«Бир жуфт оққуш жонон қўллари...» .	95
«Нечун маъюс таратар зиё...»	97
«Талпинма кўп, девона кўнгил...» , . .	99

Баллада ва достонлар

Пигирма олтилар балладаси	103
Улуғ жанг қиссаси	110
Ўттиз олтилар достони	131
Анна Снегина	151

На узбекском языке

Сергей Есенин
КАПИТАН ЗЕМЛИ

Редактор *М. Ахмедов*

Рассом *Г. Фролов*

Расмлар редактори *И. Циганов*

Тех. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *Н. Рузимухамедова*

Босмахонага берилди 19/V-1969 й. Босишга рухсат
этилди 9/XII-1969 й. Формати 60×90 $\frac{1}{2}$, Босма л.
5,75. Нашр. л. 5,77. Тиражи 35.000. Фафур Гулом
номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент,
Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 240-68.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот
Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбина-
тида тайёрланган матрицадан 2-босмахонада № 1
корозга босилди. Янгилик. Чехов кӯчаси, 3.
1971 йил. Заказ № 6. Баҳоси 66 т.